

6/2022,  
noyabr-  
dekabr  
(№ 00062)



## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК МОДЕЛИ: МАЗМУНИ, ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАР ВА АСОСИЙ БЕЛГИЛАР

**Салаев Санатбек Комилович**

Урганч давлат университети профессори, и.ф.д. Ўзбекистон.  
[s\\_sanat@list.ru](mailto:s_sanat@list.ru)

**Абдикаримова Зухра Бахрамовна**

Урганч давлат университети таянч докторанти. Ўзбекистон.  
[venus\\_0204@mail.ru](mailto:venus_0204@mail.ru)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss6/a11](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a11)

### Аннотация

Мақолада давлат-хусусий шериклик тушунчасининг моҳиятини очиб беришда халқаро ташкилотлар, МДХлик ва европалик олимлар, шунингдек дунёнинг етакчи мамлакатлари томонидан ушбу шериклик муносабатлари юзасидан илгари сурилган фикрлар таҳлил қилинади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик тушунчаси билан давлат-ижтимоий шериклик, ижтимоий тадбиркорлик ва хусусийлаштириш тушунчаларининг фарқли жиҳатлари кўриб чиқилади. Келтирилган таърифлар ассосида ушбу шериклик муносабатларининг муҳим белгилари ажратиб олинади.

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шериклик, хусусий сектор, ҳукумат, инфратузилма, шартнома.

### Аннотация

В статье анализируются взгляды международных организаций, ученых стран СНГ и Европы, а также ведущих стран мира на концепцию государственно-частного партнерства. Также выявляются отличия понятия государственно-частного партнерства от понятий государственно-частное партнерство, социальное предпринимательство и приватизация. На основе данных определений выделяются важные черты этого партнерства.

**Ключевые слова:** государственно-частное партнерство, частный сектор, государство, инфраструктура, контракт.

### Abstract

The article analyzes the views of international organizations, CIS and European scholars, as well as leading countries of the world on the concept of public-private partnership. It also reveals the differences between the concept of public-private partnership and the concepts of public-private partnership, social entrepreneurship and privatization. On the basis of the given definitions, important features of this partnership are distinguished.

**Keywords:** public-private partnership, private sector, government, infrastructure, contract.

### Кириш

Юқори иқтисодий ўсиш даражасига эришиш ва қудратли иқтисодиётни барпо этишда замонавий инфратузилманинг мавжудлиги муҳим заруриятлардан бири ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатлар учун инфратузилма керак, ривожланган давлатлар учун эса янги турдаги инфратузилмани яратиш лозим. Умуман олганда,

бутун дунё ўзи учун керакли бўлган инфратузилмани молиялаштириш масаласида курашмоқда. Бунда, етарлича инфратузилмани яратиш масаланинг бир томони бўлса, мавжуд инфратузилма объектларида самарадорликни таъминлаш ва бошқарувнинг янги, инновацион усуллари қўллаш яна бошқа томонидир. Агар хусусий сектор бу масалага кенгроқ жалб қилинса, бу борада чуқур ўйланган сиёсат ва самарали назорат амалиётидан фойдаланилса, ушбу мақсадга эришиш йўли осонлашиши мумкин.

Шу сабабдан, дунёнинг замонавий манзарасида кўплаб мамлакатларда инфратузилма тизимини ислоҳ қилиш, шунингдек, янги объектларни барпо этиш ва молиялаштиришнинг янги манбаларини излаб топишда давлат-хусусий шериклик муносабатлари таборо ривожланиб, янги мазмун кашф этмоқда. Ўз навбатида бу муносабатлар дунё миқёсида кенг кўламдаги ўзгаришларга сабаб бўлиб, кўплаб мамлакатларнинг тараққиёт йўлини кўрсатиб бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармонида ҳам давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини амалга ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилади. Фармоннинг 2-илоvasи билан тасдиқланган Давлат дастурининг 105-бандига мувофиқ, давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга қиймати қарийб 14 млрд.доллардан иборат бўлган 154 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда[29]. Бунда давлат-хусусий шериклик муносабатларининг мазмун моҳияти ва фарқли жиҳатларини аниқлаб олиш, шунингдек, шериклик муносабатларининг асосий белгиларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг табиатини ўрганиш борасида сўнги йилларда тадқиқотлар сони ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бу объектив ҳодиса бўлиб, шиддатли ўзгариб бораётган замон талаби ва аҳолининг нормал ҳаёт кечиришга бўлган эҳтиёжи давлат-хусусий шериклик муносабатларини кенг жорий этишни, шу муносабат билан замонавий иқтисодиётда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш муаммолари ва унинг мамлакат иқтисодий тизимининг инновацион таркибий қисмини шакллантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишдаги ўрни кўплаб олимлар ва амалиётчиларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Шериклик муносабатларининг назарий-услубий асослари Э. Р. Йескомб, Э.Фаркухарсон, Д.Холл, Р.Ҳемминг, Е.А.Махортов, А.С.Семченков, А.К.Чонка, Е.А. Дынин, В.А.Кабашкин, В.В.Максимова, Б.Е.Сазонов ва бошқа кўплаб европалик ва МДҲ лик олимларнинг тадқиқотларида ёритиб берилган.

Э.Р. Йескомб, Э. Фаркухарсон ДХШ сиёсати ва молиялаштириш масалалари бўйича асосий тушунчалар, ДХШ нинг асосий турлари ва моделлари, ДХШ лойиҳалари ва давлатнинг бу борадаги ҳаракати каби масалаларга аҳамият қаратади[18].

Б.Е.Сазонов фикрича, мамлакатда маъмурий ислоҳот ва янги моделларни амалга оширишда давлат янгича ролларда ҳаракат қилиб, ўз фаолияти механизмларини такомиллаштириш, шу билан бир қаторда динамик жамиятда иқтисодиётнинг бошқа субъектлари билан таъсири ва давлат хизматларини тақдим этишнинг инновацион усуллари жорий этади [27]. ДХШ муносабатлари айни юқорида қайд этилган давлатнинг иқтисодиётдаги янги мақомини белгилаб беради.

Р.Хемминг ДХШ муносабатлари давлат учун ҳам, хусусий сектор учун ҳам жозибали эканлиги ва бунда давлат инфратузилмани қарз олмасдан молиялаштира олиши, хусусий шерикликнинг бошқарув имкониятлари лойиҳаларда харажатларнинг тежалишига олиб келишини таъкидлайди[28].

Давлат-хусусий шериклик муносабатлари халқаро ташкилотлар учун ҳам диққат марказида бўлиб, шериклик муносабатларининг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш бўйича ўзларининг ҳисоботларини элон қилиб боришади. Ушбу ҳисоботларда ДХШнинг мамлакатлар бўйича ривожланиш тенденциялари ва асосий статистик маълумотлар тақдим этилади.

Миллий иқтисодиётга давлат-хусусий шериклик тушунчаси яқинда кириб келган бўлишига қарамасдан, унинг замонавий шароитларда иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларига таъсири доирасидаги тадқиқотлар сезиларли даражада ривожланмоқда. Ҳусусан, У.И. Джуманиязов ўзининг “Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари”га бағишланган тадқиқот ишида ДХШ асосида корпоратив бошқарувни ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг йирик корпоратив корхоналари билан эркин рақобат қилишларига замин тайёрлаши ҳамда давлат бюджетига тушумларни кўпайтиради ва босимни камайтиради, корпоратив тузилмаларнинг ижтимоий фаоллигини оширади, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг шиддат билан ривожланиши учун зарур бўлган миқёсда техника-технологияларни, ишчи кучи ва инвестиция маблағларини жалб этиш учун зарурий шарт-шароитлар яратишини таъкидлайди[30]. Н.Ш.Шавкатовнинг “Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари молиявий самарадорлиги таҳлили” га бағишланган мақоласида давлат-хусусий шериклиги илмий тадқиқот ишларидан тортиб то хизматларгача бўлган соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий иттифоқдир деб таърифланади[31].

Давлат-хусусий шериклик муносабатларига берилган барча таърифларда давлат-хусусий шериклик муносабатлари тушунчаси юзасидан ягона тўхтамга келинмаган. Бу албатта табиий ҳолат ҳисобланиб, биринчидан ушбу муносабатлар ўз табиатига кўра мураккабликлар ва хилма-хилликлар, турли белгилардан иборат бўлса, иккинчидан келтирилган баъзи таърифлар бевосита мавжуд таърифларни синтезлаш натижасида ҳосил қилинган.

Барча тадқиқотчилар томонидан ДХШ нинг мазмун моҳиятини очиб беришда қўйидаги жиҳатларга тўхталиб ўтилади:

- 1) фаолиятнинг амал қилиш муддати;
- 2) лойиҳаларни амалга оширишнинг муайян шакли (лойиҳа иштирокчилари);
- 3) ҳамкорлар ўртасида таваккалчилик ва маъсулиятнинг тақсимланиш масаласи;
- 4) лойиҳани амалга оширишнинг мақсади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Ўзбекистон иқтисодиётида давлат-хусусий шериклик тушунчаси мутлақо янги тушунчалардан бири бўлиб, шу сабабли ушбу муносабатларни ўрганиш борасида хорижий адабиётларни таҳлил қилишда илмий тадқиқот методологиясидаги мавжуд назарий-эмперик тадқиқот методларидан фойдаланилди. Даставвал, ДХШ тушунчасининг синонимлари сифатида эътироф этилган сўзлар ўрганилиб, кейин улар асосида олимлар тақиқотлари таҳлил этилди. Таҳлиллар натижасида шерикликлик муносабатларининг фарқли жиҳатлари ва асосий хусусиятлари ажратиб олинди. Шу

билан бир қаторда тадқиқот методларидан анализ ва синтез, таққослаш, дедукция ва абстракциялаш усулларидан кенг фойдаланилди.

### **Таҳлиллар ва натижалар**

Давлат-хусусий шериклик муносабатларни тадқиқ этиш бевосита шериклик муносабатлари тушунчасининг мазмунини ва у билан боғлиқ бўлган ёндашувларни тўлароқ ўрганиш заруриятини қўяди. Даставвал, бу тушунчанинг синонимлари сифатида эътироф этиладиган сўзлар ва ундан сўнг тушунчага берилган таърифларни ўрганиш мақсадга мувофиқ. Чунки, фалсафа фанида тушунчага нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятлари, алоқалари ва муносабатларини акс эттирувчи тафаккур шакли дея таъриф берилади. Бундан шу нарса аёнки, келтирилган таърифлардан биз, давлат-хусусий шериклик муносабатларининг асосий хусусиятлари ва белгиларини аниқлаб олиш имкониятига эга бўламиз.

### **Давлат-хусусий шериклик муносабатлари- Public-Private-Partnership (PPP) тушунчасининг жаҳон миқёсидаги синонимлари:**

- Инфратузилмада хусусий иштирок – *Private participation in infrastructure (PPI)*- Жаҳон банки томонидан ва Жанубий Корея PPI дастурларида;

- P3, Шимолий Америкада;

- Хусусий молиялаштирилган лойиҳалар - *Privately-Financed Projects (PFP)*, Австралияда;

- П-П ҳамкорлик *P-P Partnership*, “харид паритети” “purchasing power parity”, тушунчаси билан чалкашлик юзага келмаслиги учун;

- Хусусий-молиявий ташаббус- *Private – Finance- Initiative (PFI)*, тушунча Буюк Британияда вужудга келган бўлиб, Япония ва Малайзия давлатларида ҳам кенг миқёсда қўлланилади.

Давлат-хусусий шериклик муносабатлари тушунчасига бевосита халқаро ташкилотлар томонидан берилган таърифни келтиришдан бошлаймиз (1-жадвал).

### **1-жадвал**

### **Давлат-хусусий шериклик муносабатлари тушунчасига халқаро ташкилотлар томонидан берилган таърифлар<sup>1</sup>**

<b>№</b>	<b>Халқаро ташкилот номи</b>	<b>Берилган таъриф</b>
1.	<b>Бирлашган Миллатлар Ташкилоти</b>	ДХШ – давлат сектори томонидан ишлаб чиқариладиган ва тақдим қилинадиган хизматларни молиялаштиришни, режалаштиришни, амалга ошириш ва объектларни ишлатишни мақсад қилиб қўяди ва унинг асосий хусусиятлари хизматларни узоқ муддатли тақдим қилинишини таъминлаш (баъзан 30 йилгача), рискларни хусусий инвесторга ўтказиш, давлат ва маҳаллий тузилмалар билан ҳуқуқий шахсларнинг кўп қиррали узоқ муддатли шартнома шакллари амалга оширилиши билан фарқланади[1].
2.	<b>Халқаро Валюта жамғармаси</b>	ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарзда таъминланадиган инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир[2].
3.	<b>Европа Инвестицион Банки</b>	Давлат ва хусусий шериклик муносабатлари бу - ҳокимият ва хусусий сектор ўртасида хусусий сектор ресурслари ва имкониятларини жамоат товарлари ва хизматларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган муносабатлар мажмуидир[3].

4.	<b>Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ, ингл. ОЕСД – Organisation for economic Cooperation and development)</b>	Ҳуқуқат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларни шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарак бўлади ҳамда мазкур алоқанинг самарадорлиги хусусий шерикка рискларни қандай тақсимланганлигига боғлиқ[4].
5.	<b>Жаҳон банки</b>	ДХШ-хусусий томон ва давлат органи ўртасидаги давлат активларини яратиш ёки хизматларини тақдим қилиш учун узоқ муддатли шартнома бўлиб, унда хусусий томон сезиларлича ката рисклар ва бошқарув учун жавобгарликни олади[5].
6.	<b>Осиё тараққиёт банки</b>	ДХШ атамаси инфратузилма ёки бошқа хизматлари кесимида ижтимоий ва хусусий ташкилотлар ўртасидаги мумкин бўлган барча муносабатлар диапозонини ифодалайди[6].
7.	<b>Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий-ижтимоий комиссияси Economic and social Comission of the United Nations for Asia and Pasific</b>	Давлат-хусусий шериклик муносабатлари инфратузилма билан боғлиқ хизматларни кўрсатишнинг миқдор жиҳатдан кўпайиши ва сифат жиҳатдан яхшилаш борасидаги давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатлар мажмуи. Ҳамкорлар, қоида бўйича, инфратузилма лойиҳаларини бошқариш ва реализация қилиш бўйича мажбуриятларни тақсимлаш бўйича келишувнинг юридик ва бошқа турдаги механизмларидан фойдаланадилар. Мазкур ҳамкорлик томонларнинг ресурслар, таваккалчилик, жавобгарлик ва фойдани бўлишиш борасидаги ваколатларига асосланган[7].
8.	<b>Standard &amp; Poor’s</b>	Давлат ва хусусий сектор ўртасида кўп тармоқли кўникмалар, тажриба, молиявий рисклар ва мукофотларни бўлишиш борасидаги ўрта ва узоқ муддатли муносабатлар мажмуи[8].

Қуйида эса давлат-хусусий шериклик муносабатлари тушунчасига МДҲлик ва европалик олимлар томонидан берилган таърифларга тўхталамиз (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Давлат-хусусий шериклик муносабатлари тушунчасига МДҲлик ва европалик олимлар томонидан берилган таърифлар<sup>2</sup>**

№	ГАДҚИҚОТЧИННИГ НОМИ	БЕРИЛГАН ТАЪРИФ
1.	<b>Е.А.Махортов ва А.С.Семченков</b>	ДХШ- давлат ва бизнес ўртасида турли хил шаклда амалга оширилувчи (ишни бажаришга қаратилган шарномадан бошлаб, давлат ва бизнес уюшмаларининг маслаҳатлашуви билан яқунланади) ўзаро манфаатли шароитдаги, ўрта ва узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатлари ва ушбу ҳамкорликдан асосий мақсад ижтимоий-сиёсий масалаларни миллий, минтақавий ва маҳаллий даражада ҳал қилишдан иборат[9].
2.	<b>А.К.Чонка</b>	ДХШ- давлат ва хусусий сектор ўртасидаги жавобгарлик ва таваккалчиликни тақсимлаш имконияти орқали ижтимоий инфратузилма ва давлат хизматларини тақдим этиш жараёнини тартибга солиш борасида юзага келадиган ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларидир[10].
3.	<b>Е.А. Дынин</b>	ДХШ – ижтимоий неъматлар яратиш ёки ижтимоий хизматлар

		кўрсатиш учун узоқ муддатли ва ўзаро фойдали асосда жамият (давлат ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш)нинг моддий ва номоддий ресурсларини бирлаштириш жараёнидир[11].
4.	<b>В.В.Максимова</b>	ДХШ-инвестицион лойиҳаларни хусусий реализация қилишга йўналган, асосида зарурий ташкилий, молиявий, ишлаб чиқариш ва бошқа таваккалчилик хатарини бўлишишга ва томонларнинг маълум бир натижага эришишни таъминлашга қаратилган ҳамкор томонларнинг ўзаро муносабатлар тизимининг юридик тасдиқланган шакли ҳисобланади[10].
5.	<b>М.Б.Жерард</b>	ДХШ – бу хусусий капитални ўзига жалб қилишни ва баъзан эса ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ёки давлат активларини бошқариш учун давлат капитални ҳам жалб қилишни уйғунлаштиради[12].
6.	<b>М.Дерябина</b>	ДХШ- давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро институционал ва ташкилий иттифоқи бўлиб, унинг мақсади мамлакат ва унинг ҳудудлари миқёсида стратегия муҳим тармоқларни ривожлантиришдан то ижтимоий хизматларни тақдим этишгача бўлган вазифаларни адо қилишдир[13].
7.	<b>В.А.Кабашкин</b>	ДХШ- хусусий секторни ижтимоий ҳаётга муҳим бўлган вазифаларни ечишда самарали ёки уларни сифатли бажариш мақсадида, шартномавий асосда жалб этиш орқали, давлат секторига шерик билан харажатларни, таваккалчиликларни, мажбуриятларни тақсимлаш орқали енгиллик яратишдан иборатдир[14].
8.	<b>С.С.Трачука</b>	Давлат-хусусий шериклик муносабатлари-давлат ва бизнеснинг молиявий, ҳуқуқий, ижтимоий ва сиёсий омилардан ташкил топган институционал ва ташкилий аянси бўлиб, ушбу муносабатлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги стратегик вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган, иқтисодий ўстувор армоқларини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шароитларни шакллантиришга руҳсат беришдан иборат[10].
9.	<b>Иосса.Е. ва Мартиморт.Д</b>	Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) - бу давлат органи (маҳаллий ёки марказий давлат органи бўлиши мумкин) ва хусусий томон ўртасидаги айрим хизматларни тақдим этиш бўйича шартномавий келишув бўлиб, бунда хусусий сектор инфратузилмани қуриш ёки янгилаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, инвестицияларни молиялаштириш бўйича келишувларни амалга оширади ва кейин ушбу объектни бошқаради ва сақлайди [15].
10.	<b>Ричард Ҳемминг</b>	Давлат-хусусий шериклик аъъанавий тарзда давлат томонидан тақдим этилган инфратузилма активлари ва хизматларини етказиб бериш борасидаги хусусий сектор билан келишув. Стандарт операцион шартномада давлат-хусусий шериклик активлари шартнома муддати давомида хусусий шерик томонидан эгалик қилинади ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар давлат харажатлари ҳисоб-китоблар бўйича операцион харажатлар сифатида қайд этилади[16].
11.	<b>Дэвид Холл</b>	ДХШ-давлат ва хусусий шерик ўртасидаги шартнома бўлиб, унга кўра хусусий компания давлат хизматларининг айрим элементларини молиялаштиради, қуради ва бошқаради. Шунингдек, ДХШ хусусий компанияларга фойда олишлари учун узоқ муддатли даврда давлат ўзининг молиявий ожизлигини яшириш мақсадида давлат кафолатининг берилишидир[17].
12.	<b>Э. Р. Йескомб Э.Фаркухарсон</b>	Хусусий сектор томонидан инфратузилмани қуриш, лойиҳалаш, бошқариш борасидаги узоқ муддатли келишув ва ушбу келишувдан мақсад объектнинг тўлиқ ёки муҳим қисмини молиялаштириш учун хусусий сектор капиталидан фойдаланишни назарда тутати[18].

Давлат-хусусий шериклик муносабатлари тушунчасига турли мамлакатлар томонидан қабул қилинган қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагича (3-жадвал):

**3-жадвал**

**Давлат-хусусий шериклик муносабатлари тушунчасига турли мамлакатлар томонидан қабул қилинган қарашлар<sup>3</sup>**

<b>№</b>	<b>Давлатларнинг номи</b>	<b>Келтирилган таъриф:</b>
1.	<b>Америка Қўшма Штатлари</b>	ДХШ – анъанавий иштирокига нисбатан хусусий шерикка давлат билан муносабатларда кўпроқ иштирок қилишига имкон берувчи шартномавий келишув бўлиб, мазкур келишув одатда ҳокимият органи билан хусусий компания ўртасида модернизациялаш, қурилиш, ишлатиш, муайян объектни ва тизимни сақлаш ёки бошқаришни назарда тутди[19].
2.	<b>Россия Федерацияси</b>	ДХШ-давлат ва хусусий сектор ўртасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини реализация қилишга йўналтирилган ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатлари ҳисобланиб унинг асосий мақсади томонлар ўртасида таваккалчиликни тақсимлаш ва хусусий ресурсларни жалб қилиш орқали давлат-ҳуқуқий тузулишни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш даражасини кўтариш масаласига эришишдан иборат[10].
3.	<b>Буюк Британия</b>	ДХШ – давлат ва бизнес томонлари ўртасидаги активларни яратиш ва хизматларни тақдим қилиш учун қонунга кўра мажбурий шартнома бўлиб, у томонлар ўртасида риск ва мажбуриятларни тақсимлашни ўрнатади[20].
4.	<b>Ҳиндистон</b>	ДХШ – бу ҳукумат ёки ижтимоий сектор томонидан хусусий компаниялар билан фойдаланувчилардан тўловлар ундириш эвазига инфратузилма хизматлари билан таъминлашга қаратилган шартномавий ёки концессион келишув лойиҳасидир[21].
5.	<b>Австралия</b>	ДХШ- давлат ва хусусий секторнинг давлат топшириғига кўра инфратузилма ва бошқа хизматларни тақдим этиш бўйича хусусий секторга пули тўлаб бериладиган топшириғи бўлиб, одатда у бутун хусусий цикл давомида инфратузилмани қурган хусусий секторга фаолият кўрсатиши, сақланиши каби вазифаларни юклайди[22].
6.	<b>Ирландия</b>	ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарзда амалга ошириладиган хизматлар тақдим этиш ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш бўйича давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шерикликдир[23].
7.	<b>Франция</b>	Шериклик шартномаси - маъмурий шартнома бўлиб, унга кўра давлат ёки давлат ташкилоти учинчи томонга фақат улуш қўшиш билан қатнашишдан мустасно бўлган, инвестициялар амортизация меъёрларида белгиланган, келишилган молиявий шартларда давлат хизматларини тақдим қилиш учун зарур бўлган қурилиш, қайта қуриш, сақлаш, фойдаланиш, моддий ва номоддий активларни бошқариш билан боғлиқ, тўлиқ ёки қисман молиялаштиришга асосланган мажбури-ятларни юклайдиган шартномадир[24].

- |    |            |  |
|----|------------|--|
| 8. | Ўзбекистон | Давлат-хусусий шериклиги- бу инвестиция, инновация, инфратузилма ва бошқа лойиҳалар ҳамда муҳим бўлган давлат, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий аҳамиятга эга дастурларни кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуидир[27]. |
|----|------------|--|

**Давлат хусусий шериклик, ижтимоий тадбиркорлик ва давлат ижтимоий шериклик ва хусусийлаштириш** тушунчаларини таҳлил қилар эканмиз, *давлат хусусий шериклик муносабатлари тушунчасининг моҳиятини* тушунишда юқорида берилган тушунчалар билан боғлиқ изоҳларга эҳтиёжнинг мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Ижтимоий муаммоларнинг сабаблари ва табиати ушбу муаммони ечиш юзасидан инновацион ва тадбиркорликка оид нуқтаи назар билан ёндашишни талаб қилади. Жамият мунтазам равишда, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалаларга оид янгидан янги эҳтиёжларга юз тутиб, бу эса мавжуд эҳтиёжларни қондиришнинг янги йўллари топишни тақозо қилади. Ушбу жараён ўз навбатида янгидан янги ташкилотларни яратишни ёки ушбу хизматларни етказиб беришда бир нечта томонларнинг бирикишидан ташкил топган шериклик асосида амалга оширилиши мумкин. Ушбу муаммоларни бартараф қилишда ижтимоий тадбиркорлик ва давлат-хусусий шериклик муносабатлари ўзининг аҳамиятини кўрсатмоқда. Илмий адабиётлардан маълумки “тадбиркорлик” тушунчасининг жуда кўплаб таърифлари мавжуд. Келтирилган таърифлардан бири Питер Друкер томонидан берилган бўлиб, унга кўра “ҳамиша ўзгаришларни изловчи, уларга ўзининг муносабатини билдирувчи ва ушбу ўзгаришлардан янги имконият сифатида фойдаланувчи шахсларнинг фаолиятини тадбиркорлик фаолияти деб қараш мумкин[25]. Ушбу таърифдан шу нарса аёнки тадбиркорлар жамиятдаги ўзгаришларга инновацион ечим топишда жуда муҳим қатлам ҳисобланади.

*Ижтимоий тадбиркорлар* - ижтимоий ташкилотларда ёки мақсади фойда олишни кўзламаган ареналарда табиркорлик билан боғлиқ ўзгаришларни ёки инновацион усулларни қўлловчи шахслардир. Ижтимоий муаммоларга бефарқ бўлмаган ва уларга инновацион ечим топадиган ташаббускор, тадбиркор шахс. Улар ижтимоий масаларни ҳал қилишни мақсад қилиб олган бўлиб ўз фаолиятини нотижорат ташкилотлар кўринишида амалга оширадилар[26]. Ижтимоий тадбиркорликнинг иқтисодий ва молиявий тузилмаси турғун эмас. Бу тармоқ бошқа манбалардан пул жамғаради, чунки унинг фаолияти давлат, тармоқлар ва соҳалар томонидан бошқарилади. Тадбиркорлар эса турли тармоқлардаги молиявий ресурсларни қўлга киритишлари ва улардан ижтимоий мақсадлар йўлида самарали фойдаланишлари лозим бўлади. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, ижтимоий тадбиркорлик нодавлат, нотижорат ташкилотларининг фаолиятини тадбиркорлик усули ёрдамида олиб бориш ғоясидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонунига кўра *давлат ижтимоий шериклик муносабатлари* - давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир[29].

Юқоридаги келтирилган учта тушунча ҳам ўзида жамиятнинг маълум соҳаларини ривожлантириш, ижтимоий муаммоларга инновацион ечим топиш билан боғлиқ масалаларни ўзида ифодалайди.

Давлат хусусий шериклик тушунчаси ҳақида гап кетганда кўпчилик ушбу тушунчани давлат мулкани хусусийлаштириш билан бир хил тушунча деган хулосага келиши мумкин. Инфратузилмани етказиб бериш хизматлари анъанавий равишда ҳукумат томонидан амалга оширилади. Ҳукумат хусусий секторга инфратузилмага бўлган талабнинг катта қисмини қондириш учун альтернатив сифатида мурожаат қилади. Бунда давлат, хизматларни етказиб бериш самарадорлиги, инновациялар, хусусий капиталга кириш, ҳаражатларни тежаш каби кўплаб устуворликларга эга бўлади. Хусусий секторнинг бундай хизматларни етказиб беришдаги иштироки шубҳасиз, уни хусусийлаштириш билан бир хил тушунча сифатида қарашга олиб келади. Ушбу ўхшашликка қарамасдан иккала тушунча ҳам турлича маъно ифодалайди.

Давлат-хусусий шериклик ва хусусийлаштириш ўртасидаги фарқ инфратузилма активлари ёки объектларига эгалик билан боғлиқ. Давлат активлари ёки объекти хусусийлаштирилганда, мулкчилик доимий равишда бошқариш ва назорат қилиш билан биргаликда хусусий секторга ўтказилади, лекин тартибга солиш ҳукумат ихтиёрида қолади. Давлат-хусусий шериклик муносабатларида давлат лойиҳаларга эгалик ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек хусусий секторнинг ДХШ лойиҳасидаги иштирок этиш даражасини белгилайди. Давлатнинг ўз фуқаролари олдида ДХШ лойиҳасида маълум бир хизматни тақдим этганлиги учун жавобгарлиги мавжуд бўлади. Хусусийлаштиришда хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик кўпинча хусусий секторга топширилади, шу билан биргаликда улар давлатга активларни сотиб олганликлари учун ҳақ тўлайдилар. Давлат-хусусий шериклик муносабатларида эса давлат хусусий секторга объектни ва хизматни етказиб бергани учун ҳақ тўлайди.

Давлат-хусусий шериклик ва хусусийлаштириш ўртасидаги яна бир фарқ давлат ва хусусий сектор ўртасида таваккалчилик хатарининг тақсимланишидир. Давлат-хусусий шериклик муносабатларида таваккалчиликларни бошқариш ва у билан боғлиқ хавфнинг оқибатларини ўз зиммасига олишга қодир бўлган томон қабул қилади. Ҳудди шу нарса хусусийлаштирилган активларда қўлланилмайди, чунки хусусий секторнинг ўзи лойиҳа билан боғлиқ барча хавфларни ўз зиммасига олади.

№	Хусусийлаштириш	Давлат-хусусий шериклик
1	Эгалик ҳуқуқи ва унга боғлиқ харажатлар хусусий секторга ўтказилади.	Активларга қонуний эгалик давлат томонида сақлаб қолинади.
2	Тадбиркорлик билан боғлиқ таваккалчилик хатари тўлиқ тадбиркор зиммасига тушади.	Таваккалчилик хатари давлат ва хусусий сектор ўртасида тақсимланади
3	Хусусийлаштириш давлат хизмати ёки объектни хусусий секторга тўғридан-тўғри сотишни ўз ичига олади.	ДХШ хусусий сектор ва давлат органи ўрасида муайян муддатли шартнома асосида давлат хизматларини хусусий бошқаришни назарда тутлади.
4	Хусусийлаштирилганда хизматнинг табиати ва ҳажми хусусий провайдер томонидан белгиланади.	ДХШ муносабатларида эса ушбу масалалар хусусий сектор ва давлат томонидан биргаликда ҳал қилинади.
5	Давлат харажатлари таркибига таъсир қилмайди.	Шартнома мобайнида харажатларнинг муайян қисми давлат харажатлари таркибида акс эттирилади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Умуман олганда, ДХШ - мамлакатда барқарор иқтисодий-ижтимоий молиялаштириш муҳитни таъминлаш мақсадида, инфратузилма ва бошқа хизматларни, лойиҳалаштириш, таъмирлаш, бошқариш ва назорат қилишни таъминловчи давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик шакли ҳисобланади. Келтирилган таърифлардан шу нарса аёнки, давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантириш ҳар бир давлатнинг иқтисодий ҳаётида ва ижтимоий хизматларни етказиб беришда муҳим рол ўйнайди. Давлат бюджетининг чекланганлик шароитида ва аҳолининг хизмат кўрсатиш сифати ва нормал ҳаёт кечиришга бўлган талабининг чексизлик ҳолатида ушбу муносабатларни ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти учун асосий вазифа бўлиб қолади. Шериклик муносабатларининг ҳамоҳанглигини таъминлаш мамлакатдаги муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Шу билан биргаликда келтирилган таърифларда назарда тутилган фикрлардан давлат-хусусий шериклик муносабатларининг асосий белгилари ва хусусиятларини аниқлаб олиш имкониятига эга бўламиз:

- давлат инфратузилма ва бошқа хизматларнинг хусусий сектор томонидан таъминланишига қаратилган шартномавий келишув;
- инфратузилма ёки хизматнинг бажарилишининг хусусий сектор томонидан тўлиқ ёки қисман қопланиши;
- таваккалчилик хатари ва олинган фойданинг томонлар ўртасида тақсимланиши;
- харажатларни камайтириш ёки натижани максималлаштириш натижасидаги синергетик ҳамкорлик;
- инвестицияларни жалб қилишнинг юқори даражаси;
- инновацияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш имкониятларининг юқорилиги;
- молиявий чекловларнинг осонлашиши ва пул маблағларидан самарали фойдаланиш имконияти;
- инфратузилма ва хизматларнинг қисқа муддат ичида етказиб берилиш имкониятининг мавжуд эканлиги;
- шериклик муносабатларининг асосан узоқ муддатли табиатга эга эканлиги.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Практическое руководство по вопросам эффективного управления в сфере ГЧП/ Организация Объединенных Наций. - Нью-Йорк и Женева, 2008. ISBN: 978-92-1-4160403
2. Public-Private Partnerships. International Monetary Fund, 2004. <https://www.imf.org/external/np/fad/2004/pifp/eng/031204.htm>
3. The EIB Role in Public-Private Partnerships. European Investment Bank. Luxembourg, 2004. [www.eib.org/Attachments/thematic/eib\\_ppp\\_in.pdf](http://www.eib.org/Attachments/thematic/eib_ppp_in.pdf)
4. Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010.
5. World Bank Institute / PPIAF, Public-Private Partnerships Reference Guide, Washington DC, 2012
6. Public-Private Partnerships Handbook. Asian Development Bank. 2006.
7. A guidebook on public-private partnership in infrastructure/ Economic and social Commission for Asia and Pacific. – Bangkok: UNESCAP, 2011. P-76. [www.unescap.org](http://www.unescap.org)

8. [https://ieg.worldbankgroup.org/sites/default/files/Data/reports/chapters/ppp\\_chap1\\_0.pdf](https://ieg.worldbankgroup.org/sites/default/files/Data/reports/chapters/ppp_chap1_0.pdf)
9. Е.А.Махортов, А.С.Семченков. Государственно-частное партнерство как форма отношений власти и бизнеса в России/ <http://lobbying.ru/index.php?article id=2359&link>.
10. Б.Е.Сазонов. Государственно-частное партнерство. [www.pppi.ru](http://www.pppi.ru)
11. Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве /Дынин Е. А. // Общество и экономика. 2007. № 5–6. С.111.
12. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations? //Finance & Development. 2001. Vol.38.
13. Дерябина М. Государственно-частное партнерство: теория и практика/ М. Дерябина // Вопросы экономики. - 2008. - N8. С. 61-77.
14. Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации: учебное пособие / Кабашкин В. А. — М.: Дело, 2010.С.120.
15. Iossa, E., & Martimort, D. (2015). The Simple Microeconomics of Public-Private Partnerships. *Journal of Public Economic Theory*, 17(1), 4–48. doi: 10.1111/jpet.12114.
16. Public Investment and Public-Private Partnerships. Addressing Infrastructure Challenges and Managing Fiscal Risks. Edited by Gerd Schwartz, Ana Corbacho, and Katja Funke. Palgrave Macmillan Ltd, 2008.page 264.
17. Why public-private partnerships don't work. The many advantages of the public alternative. David Hall, Psiru, 2015.
18. Yescombe E.R., Farquharson E. Public-Private Partnerships for Infrastructure: Principals of Policy and Finance. 2nd Edition. — Butterworth-Heinemann, 2018. ISBN: 978-0-08-100766-2.
19. Report to Congress on Public Private Partnerships. U.S. Department of Transportation, Federal Highway Administration, December 2004. p. 10.
20. An Introduction to Public Private Partnerships, Partnerships British Columbia, Canada, 2003. <http://www.partnershipsbc.ca/pdf/An%20Introduction%20to%20P3%20-June03.pdf>.
21. Guidelines for Financial Support to Public Private Partnerships (PPPs) in Infrastructure, Government of India, 2006.
22. National Public Private Partnership Guidelines Overview, Australian Government, Dec. 2008. [http://infrastructureaustralia.gov.au/public\\_private/files/National\\_PPP\\_Guidelines\\_Overview\\_Dec\\_08.pdf](http://infrastructureaustralia.gov.au/public_private/files/National_PPP_Guidelines_Overview_Dec_08.pdf).
23. Introduction to Public Private Partnerships - Public Private Partnership Guidance Note 1, 14 April 2000, Department of the Environment and Local Government, Ireland.
24. France PPP Law 2008 Order No. 2004-559 of 17 June 2004 on partnership contracts, Version consolidated on 30 July 2008 [http://www.economie.gouv.fr/files/directions\\_services/ppp/ordonnance2004](http://www.economie.gouv.fr/files/directions_services/ppp/ordonnance2004)
25. Social entrepreneur, social entrepreneurship and social enterprise: semantics and controversies. Francesca Petrella. Aix Marseille Université, France. <https://www.cairn.info/revue-journal-of-innovation-economics-2014-2-page-143.htm>
26. Social entrepreneurship and local economic development. Ronald W.McQuaid. Article. Presented to Regional Studies Association conference 22 November 2002.
27. Сазонов.В.Е Государственно-частное партнерство в России и за рубежом: административно-правовое исследование. Диссертация. Москва 2013. <https://static.freereferats.ru/avtoreferats/01007944797.pdf>
28. Richard Hemming. Public-Private partnership. e IMF Institute and the Joint Africa Institute Tunis, Tunisia, February 28 – March 1, 2006. <https://www.imf.org/external/np/seminars/eng/2006/rppia/pdf/hemmin.pdf>
29. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
30. “Иқтисодийот ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил № 3, [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz).
31. <https://cyberleninka.ru/article/n/davlat-hususiy-sheriklik-loyi-alari-moliyaviy-samaradorligi-ta-lili/viewer>